

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Раҳматова Феруза Абулқосимовна

ЖДПУ, Педагогика таълими назарияси кафедраси мудири доцент

Аннотация: Олий таълим жараёнида эса креатив ёндашув талабанинг ихтисослик йўналишида илмий-ижодий тафаккурининг муайян ғоялар тизими ечимида қаратилиши, бунда ижодий ишларнинг индивидуал кўринишларини қўллашда ўз ифодасини топади.

Таянч сўзлар: креатив, ижодий, тадқиқот, конференция, фаолият, ахборот, жамоа, таълим, компетенция

Бошланғич ва ўрта таълим босқичида креатив ёндашув ўкув материалини чукур ўрганиш орқали ўқувчиларга муаммо негизини кўриш имконини беришга қаратилади. Олий таълим жараёнида эса креатив ёндашув талабанинг ихтисослик йўналишида илмий-ижодий тафаккурининг муайян ғоялар тизими ечимида қаратилиши, бунда ижодий ишларнинг индивидуал кўринишларини қўллашда ўз ифодасини топади. Креативлик ёндашуви ўкувчи ва талабада интеллектуал-ижодий лаёқатларни ўстиради, уларни предмет олимпиадалари, илмий семинар, конференциялар; жамоа олдида ўз ижодий маҳсулоти, диплом иши, магистрлик диссертациясини далил ва мантиққа таяниб ҳимоя қилишга тайёрлайди. Креатив таълим ва ўз-ўзига таълим беришнинг яхлит тизими эвристик ўқитиши принципларига таянади [1;5].

Тадқиқотчилик фаолияти хамиша креатив ёндашишни талаб қиласди. У талабаларни ўз-ўзини реализация қилишлари, ўз ички имкониятларини аниқлашлари ва намоён этишларига қаратилади. Таълим олувчи тадқиқот устида худди ижодкор каби тер тўкиб ишлайди. Ва бу иш ўзининг янгилиги, ижодий татбиқ эта олиши, ноодатийлиги билан ўзига жалб қиласди. Тадқиқот ишининг мазмуни ва уни техник жиҳозлаш таълим олувчининг фантазиясига боғлиқ – у мавзууни очиб беришда муҳим деб билган ахборотларни танлайди, тадқиқотни схема, жадвал, илмий услугуб асосида жиҳозлашни амалга оширади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, агар интеллектнинг юқори коэффициенти креативликнинг юксак кўрсаткичлари билан тўлдирилса, инсон касбий ва бошқарув фаолиятида катта муваффақиятларга, ўзида ижодий-тадқиқотчилик лаёқатларини таркиб топтиришга эришади. Юқори интеллект коэффициентига ва креативликнинг қуйи даражасига эга кишилар технологияларни тўлиқ ўзлаштириб олсалар-да, катта муваффақиятга камдан-кам эришадилар. Яъни, ўз предметини аъло даражада биладиган ўқитувчи, ижодий хислатларни намоён қилмас экан, унинг меҳнат самаралари етарлича юқори бўлмайди.

Креативлик – ижодкорликка, ноодатий ва кутилмаган қарорлар чиқаришга, янги ғояларни қабул қилишга, қотиб қолган стереотипларни бартараф қилишга, ностандарт вазиятларда ечимлар топа билишга ва ҳайратланишга лаёқатлилик демакдир. Психологияига креативлик тушунчасини киритиб, унинг қай даражада шаклланганлиги

ўкув ва касбий фаолиятда шахснинг ташкилотчилик лаёқатига эга бўлишида намоён бўлишини кўрсатди.

Талаба шахсининг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга. “Бу, энг аввало, уларда ўзини такомиллаштириш истагининг кучайиши ва ўқишга бўлган қизиқишининг ўсиши билан характерланади” [4]. Талабалик даврининг энг муҳим хусусиятларидан бири мустақил фикр юритишига интилишнинг ривожланишидир. Шунинг учун ҳам бу даврда фақат назарий билим бермасдан, турли амалий вазиятларга муносабат билдиришни шакллантириш, кўпроқ изланиш, ижодий ёндашув, тафаккур ривожига эътибор қаратиш лозим. Жаҳон таълим тизимида фалсафа, психология ҳар бир фаннинг методологик асосида турди. Чунки барча фанлар назарий жиҳатдан фалсафий қонуниятларга асосланади. Шунингдек, илмий тафаккур ҳам инсон психологияси ва фалсафий қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар бир талаба ўз амалий фаолиятида фикрларнинг мазмун-моҳияти, ранг-баранглиги, кўп қиррали хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга онгли равишда амал қилиши лозим.

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар амалга оширадиган илмий тадқиқотчилик ишларининг асосий йўналишлари:

- долзарб мавзудаги илмий-педагогик йўналишларига мос равишда иқтидорли талabalарни тадқиқотчилик фаолиятига жалб қилиш;
- талabalарни илмий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш, уларда илмий тадқиқот маданиятини таркиб топтириш;
- талabalарнинг илмий ишларига илмий салоҳиятли раҳбарларни жалб этиш;
- талabalарнинг илмий ишларига тақризлар олиш, уларнинг илмий-амалий конференцияларда қатнашишини таъминлаш;
- фан бўйича олимпиадаларга тайёрлаш ва натижадорлигига эришиш.

Бўлажак ўқитувчиларда тадқиқотчилик компетенцияларини ривожлантиришда профессор-ўқитувчилар олдида қуидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: талабанинг тадқиқотчиликка нисбатан эҳтиёжини фаоллаштириш; креатив ёндашув асосида изланиш фаолиятига жалб этиш; билиш жараёнини фаоллаштирувчи воситаларни излаш; талабага ўз тадқиқотчилик фаолиятининг натижали эканлигини англаш; билиш фаоллигини рағбатлантирувчи шарт-шароитларни яратиш.

Педагогик муаммони атрофлича ўрганиш талаба шахсини ҳар томонлама ривожлантириб, ўкув-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш, педагогик жараённи оптималлаштириш, таълимни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш имкониятларини таъминлади.

Педагогик ҳодисаларни атрофлича ўрганишнинг икки йўли мавжуд: а) моҳияти ва ўрганиш мақсадига кўра ўзаро даҳлдор муаммоларни бир фан доирасида таҳлил қилиш; б) айнан олинган бир муаммони турли фанлар нуктаи назаридан таҳлил қилиш.

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим муассасаларида ўкув жараёнида борлиқ ҳақида маълумот, тушунча ҳосил қилибгина қолмай, ана шу дунёни англаб этиш учун шароит, имконият яратиш зарур.

Инсон талабалик даврида ҳаётий ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни ҳис қила олса, уларни англаб етсанга, унда билим олишга қизиқиш кучаяди. Талаба ташки борлиқни англаб етсан, ўз билимларини умумлаштириб, бир тизимга солади ва билимларни чукур ўзлаштира олади, бу билан уларнинг илмий дунёқарashi кенгаяди. Ана шундан кейингина у

тояга эга бўлади, исбот қиласди, ўз фараз ва қарашларини илгари суради, тафаккури ривожланади. Профессор М.Махмудов тафаккурнинг мустақиллиги, мунтазамлиги, теранлиги ва ижодийлигини ўстиришни зарур деб ҳисоблайди, унингча: "... тафаккур имконияти парвариш қилинмаса, унга шаклу шамойил, йўналиш берилмаса, бола улғайганда ҳам у имконият сифатида ёки бир қолипдаги ўйлар тизими сифатида қолаверади. Бундай тўнг ва танбал тафаккур фаол, ҳаракатли, демакки, изланувчан ва яратувчан бўлолмайди [2].

Бўлажак ўқитувчини инновацион педагогик технологиялар асосида дарс ўтишга тайёрлаш, уларда илмий тадқиқотчилик компетенцияларини таркиб топтириш ва ривожлантириш улар фаолиятини ижодий ташкил этилишини ифодалайди. Ижод – мавжуд билимлар ва тушунчаларни янгилаш йўли билан янгилик яратишга қаратилган узлуксиз фаолият жараёни, назарий, амалий, шахсий ва ижтимоий масалаларни мустакил, ностандарт йўл билан ҳал этиш лаёқатидир. Ижоднинг натижаси янги моддий ва маънавий қадриятларнинг яратилишида намоён бўлади.

Талабаларнинг касбий сифатлари шаклланиши ўқитиш жараёнида шахс ижодий фаолиятининг фаоллиги билан тўғридан-тўғри боғланган. Олий таълим тизимида замонавий ўқитишнинг энг муҳим вазифаси бу талабаларнинг касби бўйича хабардорлигини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратишdir. Ижодий фаолият узоқ вақт тайёргарлик куриш, эрудицияни, қобилиятларни талаб қилувчи фаолият ҳисобланади. Ижодий фаолият - инсон фаолияти асоси, барча моддий ва маънавий бойликлар манбаидир.

Бўлажак ўқитувчининг муваффақиятли ижодий фаолияти гарови зарур ахборотни ўз вақтида танлаб олиши ҳисобланади. Ижодий фикрлар ва фаразларни генерациялашга undovchi асосий омиллар эҳтиёжлар ҳисобланади. Бу эҳтиёжнинг сифати билимлар ва малакалар билан қуролланганлик билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития. – Казань.–Изд-во КГУ. 1996. – 568с
2. Махмудов А.Х. Бўлажак магистрларни компетентли тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш. Авторефер. дис. ...пед. фан. док. –Т.: 2005. -62 б.
3. Татур, Ю.Г. Компетентностный подход в описании результатов и проектировании стандартов высшего профессионального образования: материалы ко второму заседанию методологического семинара. Авторская версия. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. - С. 7.
4. Халиков А.А. O‘qituvchilarning pedagogik mahoratini shakllantirishning o‘ziga xos jihatlari. // Xalq ta’limi. –Toshkent.– 2015. –№ 6. –B.7-11.
5. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как результат личностно-ориентированной парадигмы образования // Народное образование. 2003. № 2. С. 58-64.